



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 30 июль, № 163 (8225)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ПРЕЗИДЕНТ ИТ МУТАХАССИСЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 июль куни Юқори Чирчиқ туманидаги «Astrum» IT академиясига ташриф буюриб, ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ва ёшлар билан учрашди.



Дунёда ахборот технологиялари шиддат билан ривожланмоқда. Жаҳонда унинг ўсиш суръатлари йилига 10 фоизни ташкил этиб, бу йил жами 4 триллион 300 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Ушбу бозорда мустақкам ўрин эгаллаш учун мамлакатимизда катта ишлар бошланган. Сўнгги беш йилда соҳага 2 миллиард доллар, шу жумладан, 700 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестициялар йўналтирилган.

Энг асосийси, IT касбларни эгаллаш ёшлар ўртасида тренда айланди. Мактаб, лицей, коллеж, техникум ва университетларда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Соҳа учун инфратузилма яратилиб, сифат яхшиланаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, сўнгги уч йилда мобиль интернет нархи 9 баробар арзонлашди.

ни режа қилганмиз. Агар ёшларни бу касбга ўқитишни тўғри йўлга қўйсак, уларни сифатли инфратузилма, компьютер ва кафолатли буюртма билан таъминласак, бу маррага бемалол эришамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШҲТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июль куни пойтахтимиздаги Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилишининг тадбирларида иштирок этаётган ШҲТга аъзо давлатлар делегацияларининг раҳбарларини қабул қилди.

Учрашувда Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Субраманьям Жайшанкар, Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Ван И, Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаев, Покистон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Билавал Бхутто-Зардари, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиiddин Мухриддин, шунингдек, ташкилот бош котиби Билал Мин ва ШҲТ Минтақавий Ассистент-генерал тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Руслан Мирзаев иштирок этди.

Глобал миқёсда ишонч ва ўзаро англашув тақчиллиги тўбора ўткир сезилмоқда. Ўзбекистон етакчиси анъанавий кооперация ва логистика занжирлари бузилаётгани, жаҳон мамлакатларининг аксариятида озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги соҳасидаги вазият кескинлашиб, инфляция кўрсаткичлари шиддат билан ўсаётгани, ижтимоий-иқтисодий аҳвол ёмонлашиб бораётганини кўрсатиб ўтди.

Бундай мураккаб шароитда хавфсизлик ва барқарор тараққиётга таҳдид солаётган замонвий хатарларга мос равишда чора кўриш учун сазой-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш ва кўп томонлама асосда яқиндан ҳамкорлик қилишга эҳтиёж кучайиб бормоқда. ШҲТга ва ушбу ташкилот билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйишга қизиқиш ортиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Бугунги кунда ўндан ортиқ мамлакатлардан ташкилот фаолиятида у ёки бу мақомда иштирок этиш бўйича келиб тушган аризалар кўриб чиқилмоқда.

Кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор вазибалари ва ШҲТни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг бирлашмага раислиги давомида ўтган даврда биргаликда амалга оширилган ишлар натижалари ҳамда жорий йил сентябрь ойида Самарқандда ўтадиган саммит кун тартибига алоҳида эътибор қаратилди. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Давлатимиз раҳбари ШҲТ мамлакатлари вазирларига муносабат қилар экан, бугун дунё оқибатларини прогноزلатиш кийин бўлган, олдиндан айтиб бўлмайдиган туб трансформация жараёнларини бошидан кечираётганини таъкидла-

ди. Глобал миқёсда ишонч ва ўзаро англашув тақчиллиги тўбора ўткир сезилмоқда. Ўзбекистон етакчиси анъанавий кооперация ва логистика занжирлари бузилаётгани, жаҳон мамлакатларининг аксариятида озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги соҳасидаги вазият кескинлашиб, инфляция кўрсаткичлари шиддат билан ўсаётгани, ижтимоий-иқтисодий аҳвол ёмонлашиб бораётганини кўрсатиб ўтди. Бундай мураккаб шароитда хавфсизлик ва барқарор тараққиётга таҳдид солаётган замонвий хатарларга мос равишда чора кўриш учун сазой-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш ва кўп томонлама асосда яқиндан ҳамкорлик қилишга эҳтиёж кучайиб бормоқда. ШҲТга ва ушбу ташкилот билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйишга қизиқиш ортиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Бугунги кунда ўндан ортиқ мамлакатлардан ташкилот фаолиятида у ёки бу мақомда иштирок этиш бўйича келиб тушган аризалар кўриб чиқилмоқда.

Президентимиз ШҲТ ўзининг сиёсий, иқтисодий ва илмий-интеллектуал салоҳиятига кўра энг қудратли бирлашмалардан бири эканини қайд этди. Ташкилот мамлакатлари ҳиссасига жаҳон ЯИМнинг қарийб чорак қисми ва сайёраимиз аҳолисининг ярми тўғри келмоқда. Ўзбекистоннинг ШҲТга раислигига тўхталар экан, мамлакатимиз етакчиси 70 дан зиёд йирик тадбирлар муваффақиятли ўтказилганини мамнуният билан қайд этди. Самарқанд саммити якунида қабул қили-

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар! Қадри дўстлар! Аввало, Сизларни, бугун Ўзбекистон халқини 30 июль — Халқлар дўстлиги кунини билан чин қалбимдан самимий табриқлайман. Кўп миллатли халқимизнинг мустақиллик йилларида эришган энг катта бойликларидан бири — “Ўзбекистон — умумий уйимиз” деган шиор остида мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва аҳилликни сақлай олганимиз ҳисобланади, десак, адашмаган бўламиз. Бизнинг барча ютуқларимиз — у хоҳ ташқи ёки ички сиёсатда бўладими, хоҳ иқтисодий ёки маданий-гуманитар соҳаларда бўладими — қўлга киритаётган муваффақиятларимиз замирида жамиятимиздаги осойишталик ва тотувлик ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Халқимизда “Тинч элнинг боғи гулар”, деган ҳикмат бежиз айтилмаган.

Мана шу тинчлик бор экан — тараққиёт мавжуд. Мана шу тотувлик бор экан — келажагимиз ҳам, албатта, ёруғ бўлади. Барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, ҳозирги глобаллашув даврида жаҳонда муро-сасиз рақобат, қуролли тўқнашувлар, мафкуравий низолар, аҳоли, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун курашлар, терроризм, экстремизм, сепаратизм, одам савдоси каби таҳдидлар аёвсиз тус олмақда. Иқтисодий инқироз, айниқса, корона-вирус пандемияси натижасида турли хавфхатарлар тўбора кучайиб, инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат каби муқаддас қадриятларга раҳна солаётгани, табиийки, барчамизни ташвишга солади. Мана шундай мураккаб замонда доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, бебаҳо бойлигимиз бўлмиш барқарорликни сақлаш, жамиятимизда кўп миллатли катта ягона оила туйғусини кучайтириш қанча-

лик муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Шу маънода, бу йил жонажон Ўзбекистонимизда иккинчи бор нишонланаётган Халқлар дўстлиги кунини яхши анъаналарга айланиб, эл-юртимиз ўртасида ҳам-жиҳатлик, ўзаро тотувликни таъминлаш ва дўстлик алоқаларини ривожлантиришда беқийс ўрин тутди, деб ишонамиз. Мухтарам юртдошлар! Бугунги кунда саховатли заминимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ яшаб келмоқда, таълим 7 тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозок, қирғиз ва туркман тилларида олиб борилмоқда. Эътиборли жиҳати, қардош тили мактабларда ўқийтган фарзандларимиз давлат ҳисобидан дарслик ва бадиий адабиётлар билан тўлиқ таъминланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ФАОЛЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарни сақлаш ҳамда ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, хорижий давлатлар билан икки томонлама манфаатли муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни янада кенгайтириш, Янги Ўзбекистоннинг тинчликсевар ва халқпарвар сиёсатини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш борасидаги катта хизматлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли ишлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

#### «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Усманов Наил Каюмович** — «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетининг гидромелиоратив ишларни механизациялаш кафедраси доценти

**Шарофидинов Суҳиддин** — Сўх тумани нурунийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Фарғона вилояти

#### «Дўстлик» ордени билан

**Авазов Эргаш Хидирбердиевич** — Республика туркман миллий маданий марказининг Сурхондарё вилояти бўлими раиси

**Аджисман Закир Сабриевич** — Тошкент шаҳридаги «Авдет» қрим-татарлар миллий маданий маркази раиси ўринбосари

**Адилбаев Жанабай** — Қораўзақ туманидаги «Қуралпа» овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Блумхардт Александр** — «Kauf» компаниясининг МДХ давлатлари бўйича ҳамкор бошқарувчилари бош вакили

**Вейсалов Расул Латифович** — Сирдарё тумани нурунийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Сирдарё вилояти

**Володин Андрей Яковлевич** — Ўзбекистон рус миллий маданий марказининг Наманган вилояти бўлими раиси

**Гечу Сергей Викторович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 2-навли прокат цехи электр ускуналарини таъмирлаш устаси, Тошкент вилояти

**Евтушенко Ольга Анатольевна** — Мирзо Улуғбек туманидаги «Alternativa kommunal plus» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Ёғмиров Давлат Ҷўлиевич** — Қашқадарё вилояти араб миллий маданий маркази раиси ўринбосари

**Искендеров Усен Муталипович** — Ўзбекистон уйғур миллий маданий маркази раиси

**Ким Антонина Е-Сеновна** — Ўзбекистон корейс миллий маданий марказлари уюшмасининг Хоразм вилояти худудий бўлими раиси

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Инсон қадрини улуғлашга қаратилган туб ислохотларимиз, хусусан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида жамиятимизда миллатлараро тоғувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш вазифаси устувор мақсад сифатида белгиланган.

Барча ҳудудларимизда "Дўстлик уйлари" ташкил этилиб, уларнинг фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ушбу хайрли режалар учун зарур маблағларни йўналтирмоқда, турли субсидия ва грантлар ажратилмоқда.

Миллий маданий марказларнинг моддий-техник базаси яхшиланиб, уларга давлат томонидан замонавий техник ускуналар, мебель жиҳозлари, миллий либослар тақдим этилмоқда.

Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар қайта тикланиб, азалий ришталарнинг мустаҳкамланиши халқимизнинг хоҳиш-истаклари, орзуларини ўзида ифода этмоқда.

Биз ягона Ватан туйғусини асраб-авайлаш, ёш авлодни мана шу руҳда камол топтириш борасида самарали фаолият олиб бораётган Нодира

Джанибекова, Нургул Базарбаева, Қалдибек Сейданов, Феруза Халдарова, Гулдана Аведурдиева, Фирдоуси Гусейнов, Сергей Миронов, Зиновий Новицкий, Умар Салманов, Галина Шин, Тамара Акилова, Минсилу Қулиева, Лежим Ибрагимов, Вера Бабицкая ва бошқа турли миллат вакиллари номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Бу йил ҳам юртимиз раванга ва халқимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ ватандошларимиз юксак унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Фурсатдан фойдаланиб, мукофотланган юрдошларимизни ўз номидан, бутун халқимиз номидан табриқлаб, уларга сихат-саломатлик, чексиз куч-гайрат, оилавий бахт ва саядат тилаймиз!

Азиз дўстлар! Бу йилги байрамда ҳам сизларни қизилқарғилар кўргазмалар, мулоқотлар, ижодий фестиваллар, концертлар, форумлар, анжуманлар, дўстлар дийдор кутмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда асрлар давомида шаклланган миллат ва элзатлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқ, ўзаро меҳр-оқибат, тинчлик ва барқарорлик муҳи-

тини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишга ишонаман.

**Барчамиз учун Ватан битта. Биз — Ўзбекистон деган жаннат-макон юртининг фарзандларимиз. Бизнинг — шу табарруқ заминда яшаётган ҳар бир миллат вакиллари билан биргаликда бўлишимиз ҳам, бугунги тақдиримиз ва келажакимиз ҳам бир. Бизни улуг ва муштарак мақсад бирлаштиради. У ҳам бўлса, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигидир.**

**Мана шу эзгу ният йўлида ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир юрдошимиз Ўзбекистонда ўзининг бахту саодатини албатта топади. Бунинг учун давлатимиз, жамиятимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.**

Сизларни Халқлар дўстлиги куни билан яна бир бор самимий табриқлайман.

Барчангизга сихат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотир-ҳамлик ва файзу барака тилаймиз.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ФАОЛЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Қулиева Минсилу Мавлетбаевна** — Тошкент шаҳри бошқирд миллий маданий марказининг бошқирд-татар гуруҳи хонандаси, шоира

**Ли Хиангрүн** — Самарқанд шаҳридаги «Asia Metall Prof» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти **Мамедов Элдар Кисмироғли** — Республика озарбайжон миллий маданий марказининг бошқарув кенгаши аъзоси

**Миллер Валентина Александровна** — «Wiedergeburt» Ўзбекистон немис миллий маданий марказининг Фарғона вилояти бўлими раиси

**Митюлева Валентина Вадимовна** — «Гидропроект» акциядорлик жамиятининг гидротехника бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри **Назилов Додо** — Республика тожик миллий маданий марказининг бошқарув кенгаши аъзоси

**Наринбетов Турехан Канатович** — Ўзбекистон қозоқ миллий маданий марказининг Навоий вилояти бўлими раиси **Носиров Обиджон Хамидович** — Ўзбекистон қирғиз миллий маданий марказининг Андижон вилояти бўлими раиси

**Рагимова Мехрибан Зиядхан кизи** — Миробод туманидаги «Темирйўлчилар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри **Хаимов Мизор Рахманович** — Галлаорол туманидаги «Галлаорол калий фосфат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Шелякина Людмила Константиновна** — Тошкент шаҳридаги «The Big Smart Trade» масъулияти чекланган жамияти бош ҳисобчиси

## ПРЕЗИДЕНТ ИТ МУТАХАССИСЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари бунинг учун 4 та масалани ҳал этиш лозимлигини таъкидлади.

Биринчиси, интернет қамрови ва сифатини кескин ошириш. Чунки ҳозир ҳудудларни тезкор интернет билан қамраб олиш даражаси 70 фоиз атрофида. 118 та қишлоққа интернет ҳам, мобиль алоқа ҳам кириб бормаган.

Иккинчиси, ахборот технологияларига иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш. Бугунги кунда ёшларнинг «стартап» лари атиги 10 миллиард сўм грант ажратилган. Компьютер

билан таъминлаш ишлари етарли эмас.

Учинчиси, барча соҳаларда рақамлаштиришни биринчи навбатдаги вазифалар қаторига олиб чиқиш. Бу борада ҳукумат, қатор вазирлик ва компанияларда тизим бор. Лекин Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда «Ўзгасуруғурта» компаниясида ахвол суёт.

Тўртинчи муҳим масала ҳудудларда ёшларни экспорт бозорларига чиқишга қўмаклашидир. Хусусан, ҳорижий корхоналар ёшларимизга ишонч билдириб, жорий йил-

нинг ўзида 100 миллион долларлик хизматларга буюртма берган. Лекин маҳаллий корхоналаримиз буюртмалари бундан анча кам.

Йилгилик очик мулоқот тарзида ўтди. Аввал ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ш.Шерматов соҳадаги муаммоларни ва улар юзасидан таклифларини айтиди. Урашув иштирокчилари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Давлатимиз раҳбари мутахассис ва ёшларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаб, мутахассисларга тегишли қарор лойиҳаларини ишлаб чиқишни топширди.

— Бу масалалар — бугунимиз, келажакимиз, айниқса, ёшларимизга муносиб иш ўринлари яратиш учун катта замин, — дея таъкидлади Президент.

Ушбу мулоқот ўтказилган «Astrum» IT академиясида юзлаб ёшлар замонавий дастурлаш кўникмаларини оғаллаб, ўқиш давомидаёқ даромад топтомоқда. Давлатимиз раҳбари бундай масканларни бошқа ҳудудларда ҳам ташкил қилиш зарурлигини айтиб, бу борадаги ташаббуслар ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини билдирди.

Видеоселектор орқали вилоят ҳокимлари, ҳудудлардаги мутахассислар билан ҳам мулоқот қилинди.

Ў.А.

## Учрашув ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Учрашувда қайд этилганидек, бугун ёшлар мамлакатимизда бўлаётган конституциявий ислохотлар жараёнида фаол қатнашаётган ва аниқ фуқаролик позицияларини билдирмоқда. Айни вақтга қадар келиб тушган таклифларнинг салмоқли қисми ёшлар томонидан юборилгани ҳам шундан далолат беради.

Сўбат чоғида делегация аъзолари тақдим қилинган кенг қамровли ва тахлилий ахборот учун миннатдорлик билдириб, Конституцияга киритилиши тақдирини билдирмоқда. Айни вақтга қадар келиб тушган таклифларнинг салмоқли қисми ёшлар томонидан юборилгани ҳам шундан далолат беради.

Сўбат чоғида делегация аъзолари тақдим қилинган кенг қамровли ва тахлилий ахборот учун миннатдорлик билдириб, Конституцияга киритилиши тақдирини билдирмоқда. Айни вақтга қадар келиб тушган таклифларнинг салмоқли қисми ёшлар томонидан юборилгани ҳам шундан далолат беради.

Сўбат чоғида делегация аъзолари тақдим қилинган кенг қамровли ва тахлилий ахборот учун миннатдорлик билдириб, Конституцияга киритилиши тақдирини билдирмоқда. Айни вақтга қадар келиб тушган таклифларнинг салмоқли қисми ёшлар томонидан юборилгани ҳам шундан далолат беради.

Сўбат чоғида делегация аъзолари тақдим қилинган кенг қамровли ва тахлилий ахборот учун миннатдорлик билдириб, Конституцияга киритилиши тақдирини билдирмоқда. Айни вақтга қадар келиб тушган таклифларнинг салмоқли қисми ёшлар томонидан юборилгани ҳам шундан далолат беради.

Сўбат чоғида делегация аъзолари тақдим қилинган кенг қамровли ва тахлилий ахборот учун миннатдорлик билдириб, Конституцияга киритилиши тақдирини билдирмоқда. Айни вақтга қадар келиб тушган таклифларнинг салмоқли қисми ёшлар томонидан юборилгани ҳам шундан далолат беради.

«Халқ сўзи».

## АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ УЧУН АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАР ҚАНДАЙ САРФЛАНМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталарининг қўшма мажлиси Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадида жамғармаси раҳбарининг 2021 йил ва шу йилнинг биринчи ярми йиллигида соҳа раванга учун ажратилган маблағлар сарфланиши ҳолати бўйича ахбороти муҳокамасига бағишланди.

### Эшитув

Қайд этилганидек, ўтган йилда республика бюджети маблағи ҳисобидан йўл ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш, яъни автомобиль йўлларига оид лойиҳалар бўйича қуриш-таъмирлаш, эксплуатация қилиш ва йўл ҳўжалигидаги ташкилотларни сақлаш мақсадида 10,1 трлн. сўм ажратилган. Худудий жамғармаларнинг 2021 йил якунлари бўйича умумий тушумлари 4 276,8 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 2021 йилда 4 049 млрд. сўм маблағ сарфланган.

2022 йилда 7,8 трлн. сўм ажратилиши назарда тутилган бўлиб, биринчи ярми йиллигида йўналтирилган маблағнинг 3 194 млрд. сўми ёки йиллик режага нисбатан 41 фоизи ўзлаштирилган.

Худудий автомобиль йўлларини ривожлантириш жамғармаларининг жорий йил биринчи ярми йилликдаги умумий тушумлари 1 846,9 млрд. сўмни ва харажатларни 820,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Ажратилган маблағлар ҳисобига ҳисобот даврида 3 317,6 км.дан ортиқ умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва 17 382 км.дан зиёд ички йўлларда қуриш-таъмирлаш ишлари бажарилган.

Йилгиликда йўл ҳўжалиги соҳасига ажратилган маблағларни сарфлашда қатор муаммо ва

«Халқ сўзи».

## МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси ҳамда мавжуд муаммолар ечимига комплекс ёндашуви тўғрисида ХХI асрнинг жиддий муаммоларидан бири — одам савдосига қарши курашиш борасида қатор ишлар амалга оширилган ва бу ислохотлар яққол натижалар бераётгани БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси томонидан эътироф қилинди.

### Анжуман

Бу ҳақда яқинда бўлиб ўтган «Одам савдосига қарши курашиш соҳасида миллий ва халқаро шериклики мустаҳкамлаш» мавзусидаги халқаро анжуман доирасида БМТ ушбу тузилмасининг Марказий Осиёдаги митинглар вакили Ашита Миттал таъкидлаб ўтди.

Тадбир Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия томонидан Ички ишлар вазирлиги ҳамда БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчи-

ликка қарши курашиш бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Нуфузли анжуманда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева сўнги йилларда Ўзбекистон Президенти бошчилигида юртимизни янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини таъминлаш учун «Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонларвар давлат» госяси асоси-

да давлат ҳамда жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, бу жараёнларда инсон ҳуқуқлари тизимини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар амалга оширилганлигига эътибор қаратди.

Қайд этилганидек, одам савдосига қарши кураш борасида Ўзбекистон тажрибаси, хусусан, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссияси фаолияти БМТнинг Нуфузли анжуманда сўзга чиққан ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди ва халқаро эътирофга сазовор бўлди.

Миллий комиссия ташкил этилгандан буён ўтган даврда шу йўналишдаги қўнуччилик базасини замон талабларидан ҳамда халқаро нормалардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида 40 га

яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунингдек, йилгиликда қайд этилганидек, Халқаро меҳнат ташкилоти, Миграция бўйича халқаро ташкилот, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, АҚШ Давлат департаменти, Меҳнат вазирлиги ҳамда бошқа тузилмалар билан алоқаларни ривожлантириш мақсадида 10 га яқин «йўл хариталари» қабул қилиниб, уларнинг ижроси миллий комиссия томонидан доимий назорат қилинмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан АҚШнинг мамлакатимиздаги элчиси уриносари Политес Пол Ўзбекистон сўнги йилларда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида улкан натижаларга эришганини эътироф этди. Айни чоғда у Ўзбекистон яқин вақтда АҚШ Дав-

лат департаментининг дунёда одам савдоси тўғрисидаги йиллик ҳисоботида ўз позициясини энг юқори босқичга олиб чиқиш имкониятига эга эканлигини ҳам айтиб ўтди.

Айтиш жоизки, ушбу тадбирда қатор халқаро ташкилотлар экспертлари, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ҳамда Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон давлатларидан келган соҳа бўйича етакчи мутахассислар ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлди.

Яқунда Марказий Осиё давлатлари вакиллари иштирокидаги бундай тадбирларни мунтазам ўтказиш, яъни доимий мулоқот майдонига асос солишга ҳамда келгуси йилда бундай йиғинни қўшни давлатларнинг бирида ташкил этишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

## ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ ВАКИЛЛАРИ ТАШАБУСКОР БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Олий Мажлис Сенати биносига Ёшлар парламентининг истиқболдаги режалари муҳокамасига бағишланган давра сўбати ташкил этилди. Унда Сенат Раиси, сенаторлар, Ёшлар парламенти аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари котиблари мудирилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

### Тадбир

Тадбирда Ёшлар парламенти раиси томонидан ушбу тузилманинг истиқболдаги иш режалари, янги лойиҳалари ва худудий аъзолар фаолиятини янада жонлантириш, ёшлар муаммоларини ўрганиш ҳамда чуқур таҳлил қилиш, ёшлар учун муҳим лойиҳа ва таклиф-

лар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган худудий комиссиялар хусусида батафсил маълумот берилди.

Сўнгра Ёшлар парламенти комиссиялари раисларининг жорий йил иккинчи ярмига режалаштирилган лойиҳалари тақдироти бўлиб ўтди.

Жумладан, республика миқёсида янги ташкил этилган оилавий болалар уйлари ҳолатларини ўрганиш ва фостер оилалар тизимини татбиқ этиш механизмини ишлаб чиқиш, ёшлар томонидан содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг сабабларини таҳлил қилиш, ёш тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар самарадорлигини ўрганиш каби масалалар юзасидан комиссия раисларининг ахборотлари эшитилди.

Давра сўбатида Сенат Раиси Ёшлар парламенти фаолиятига доир устувор вазифаларни алоҳида келтириб ўтди. Хусусан, ёшларга оид масалалар ва муаммолар юза-

сидан тегишли таклифларни давлат органларига, қўнуччилик ташаббуси субъектларига киритиш ҳамда давлат органларига ёшлар томонидан йўналган оғражатлар ҳал этилиши юзасидан таҳлилий ахборот ва маълумотлар тайёрлаб бориш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, мулоқотда Ёшлар парламенти аъзолари ижтимоий тармоқ ва оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокамага сабаб бўлаётган турли муаммолар масалаларга асосли тарзда муносабат билдириб, фаол фуқаролик позициясини намоён қилиши лозимлиги қайд этилди.

### Назлим АБДУЖАББАРОВА, Ёшлар парламенти Гендер тенглик масалалари комиссияси раиси:

— Ёшлар парламенти 2-ярми йиллик иш режасида эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар орасида ажралиш ҳолатлари юзасидан ўрганиш олиб бориш ва натижаларини таҳлил қилиш вазифаси комиссиямизга юклатилган.

Ҳозирги кунда ёш оилалар ўртасида ажралишларнинг кўпчилиги, эрта турмуш қуриш ҳолатлари кузатилаётгани, албатта, ушбу масаланинг нақадар муҳим эканлигини кўрсатиб турибди. Бунга ёш оилаларнинг кўпчилиги учинчи шахслар келишиювга кўра қурилаётганлиги, яъни ота-она, қариндошлар ўзаро келишиб ёшларни турмуш қуришга мажбур қилишганини сабаб бўлмоқда, деб ўйлаймиз. Шу маънода, никоҳ шартномасини мажбурий қилиш тизимини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурмоқдамиз.

«Халқ сўзи».

### Нодирабегим РАҲМОНОВА, Ёшлар парламенти Илм-фан, маданият ва китобхонлик масалалари комиссияси аъзоси:

— Ривожланган давлатларда «Фостер оила» тушунчаси мавжуд. Маълумки, бу оилалардаги ота-оналар махсус билимларга эга ва доимий малака ошириб туривчи ва профессионал ота-оналар бўлиб, бошқувчисини йўқотган болалар шартнома асосида уларга жойлаштирилади ҳамда давлатнинг тўлиқ назорати остида камолга етади. Ҳо-

риж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, бу оилалар хоҳиши ва шароитига қараб 4 нафаргача болани асраб олиши ҳамда уларни 18 ёшгача тарбиялашни амалиётга татбиқ қилишни тақдир этамиз. Негаки, айни пайтда юртимизда бола асраб олишни хоҳловчи оилалар кўпчилиги ташкил қилиб, улар учун мазкур тизим қўл келади.

### Шохруҳ МАМАТҚУЛОВ, Ёшлар парламенти Ёшлар ҳуқуқлари ва қўнуччилик масалалари комиссияси раиси:

— Сир эмас, ёшларимизнинг йўл ҳаракати қоидаларини билмаслиги ёки унга амал қилмаслиги ҳамда ҳушёрлигини йўқотиши тўғрисида йўл-транспорт ҳодисалари кейинги пайтларда кўпайиб бормоқда. Айрим мамлакатларда бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида йўл ҳаракати қоидалари, хусусан, ўсимирлар ва ёшлар учун қонунлар ижросини таъминлайдиган миллий қўнуччилик ва сиёсатни мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиқиб, биз мамлакатимизда сўнги 5 йилда худудлар кесимида ёшлар томонидан содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари ҳолати ва сабабларини ўрганишни долзарб, деб ҳисоблаймиз. Зеро, мазкур масалани ўрганиш орқали ёшлар томонидан содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари камайтиришга салмоқли ҳисса қўшамиз.




янада чуқур кириб бориш мақсадида янги механизмни йўлга қўядиган бўлибди. Гап шундаки, эндиликда 100 нафар аъзоимизнинг барчаси ҳар ойда юртимиз бўйлаб бир лойиҳани амалга оширади. Муҳими, бу лойиҳалар худудлардаги аъзоларимиз томонидан маҳаллий Кенгашлар сессияларига масала сифатида киритилади ҳамда оммавий ахборот воситалари ва интернет саҳифаларида ёритилади, яқунда эса барча таҳлиллар тегишли қўмитага тақдим этилади.



— Охириги бир неча ой мобайнида Ёшлар парламенти ишлаш механизми ва режаларини қайтадан кўриб чиқдик. Хусусан, худудлардаги фаолиятимизни жадаллаштириш ва ёшлар муаммоларининг ичига



риж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, бу оилалар хоҳиши ва шароитига қараб 4 нафаргача болани асраб олиши ҳамда уларни 18 ёшгача тарбиялашни амалиётга татбиқ қилишни тақдир этамиз. Негаки, айни пайтда юртимизда бола асраб олишни хоҳловчи оилалар кўпчилиги ташкил қилиб, улар учун мазкур тизим қўл келади.



— Охириги бир неча ой мобайнида Ёшлар парламенти ишлаш механизми ва режаларини қайтадан кўриб чиқдик. Хусусан, худудлардаги фаолиятимизни жадаллаштириш ва ёшлар муаммоларининг ичига



риж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, бу оилалар хоҳиши ва шароитига қараб 4 нафаргача болани асраб олиши ҳамда уларни 18 ёшгача тарбиялашни амалиётга татбиқ қилишни тақдир этамиз. Негаки, айни пайтда юртимизда бола асраб олишни хоҳловчи оилалар кўпчилиги ташкил қилиб, улар учун мазкур тизим қўл келади.

«Халқ сўзи».



Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига

КЎЗ ЎНГИМИЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

ҲАР БИР ИНСОНГА ҚУВОНЧ, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ВА ШУКРОНАЛИК БАХШ ЭТМОҚДА

Мустақиллик, озод ва ҳур яшашнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан қийслаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайди. Тукиликда, шохона бир шароитда умргузаронлик қилсангу эркинги ўз қўлингизда бўлмаса, ўзингиз истаб, остона ҳатлолмасанг, роҳат-фароғатни ҳис қилмайсан. Шодлик, бахту давлат татимайди...

Озодлик, эркинлик, ободлик... Мустақам занжир халқалари каби бир-бирига чамбарчас боғланган бу муқаддас тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини, қудрати ва ҳикмати мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган, истибод ҳаётларини чеккан халқимиз яхши англайди. Элимиз бир асрдан ортиқ вақт давомида мустақамла

шароитда, адолатсизлик, зўравонлик исканжасида бугунги ёруғ кунларга интилиб яшайди. Шукри, халқимизга озод ва эркин, ҳеч қимдан ҳадиксирмай, эртасидан ҳавотир олма, ўз тақдиринга ўзи эга бўлиб яшаш саодати насиб қилди.

Кейинги олти йилда халқимиз мустақиллик берган бекиёс имкониятларни янада тереки этди. Президентимиз томонидан "Инсон қадрини ўнун" тамойили асосида олиб борилаётган ислохотлар ҳар бир юрtdошимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishi учун барча шарт-шароитни яратишга замин бўлмоқда.

дудек ёритиб турган фонуслар, турли гулу дарахтлар — буларнинг ҳаммаси шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига олам-олам завқ бермоқда.

Ўзим ҳам эрталабки жисмоний машқларимни айни канал бўйида бажараман. Бу еркин тонгда ҳам, оқшомда ҳам одамлар билан гавжумлигини кўриб, беихтиёр "Бўлар экан-ку", деган шукрона ўтади кўнглимдан. Ҳа, бир неча ўн йиллар давомида обод бўлмаган ушбу манзилнинг

қам уйлар энди фақат хотираларда қолди, десак, хато эмас. Қуни пахта далаларида ўтган оналаримизнинг сочи супурги, қўли қосов бўлган пайтлар худди эртақдек... Истиқлол боис халқимиз сидқидилдан меҳнат қилиб, шунга яраша фаровон ҳаёт кечирishi имконига эга бўлди.

Кейинги йиллардаги ўзгаришлар ҳақида эса соатлаб сўзлаш мумкин. Биргина бизнинг Бағдод туманидаги янгилашнинг ҳаётбахш қудратини марказдан тортиб, энг чекка маҳалла, оддий оила мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айтилик, туман марказидан 15 км. олисда жойлашган "Гулистон" МФИда атиги бир йил мобайнида 61 та кўп қаватли уй қад ростлади. 1 минг 200 та оила Ватан ичра ватанли — янги уй-жойли бўлди. Худудга монанд равишда янги ном — Гулистон шаҳарчаси мақоми берилиб, янги мактаб, оилавий поликлиника, мактабга таълим ташкилоти, маданият маркази, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Маҳаллага янги кўчиб келган оилалар учун иссиқхоналар қуриб битказилди.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари томонидан ушбу ташаббус мамлакат миқёсида омаллаштиришга тавсия қилинди. Аслида замонавий шаҳарсозлик меъморчилиги аъёнлари асосида тобора муҳташам қиёфага кираётган туман маркази, ҳар бир худудда қалбимизга ифтихор бахш этадиган, ҳаётимизни завқли ва фароғатли қилаётган бу каби янгиликлар бекиёс. Кўз ўнгимиздаги бундай ўзгаришлар туман аҳлини эртанги кун истиқболига янада дадил қадимлар билан пешвоз чиқишга ундамоқда.

Янги Ўзбекистоннинг дунёдаги овозимиз

Эркин РАҲАБОВ, "Шўртан газ-кимё мажмуаси" МЧЖ молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида жорий этиш гуруҳи мутахассиси:

— Ҳеч эсимдан чикмайди, "Шўртан газ-кимё мажмуаси" МЧЖда ишлаётган маҳаллий ёш мутахассисларни телевизор орқали кўрганимда, қанийди мен ҳам шу шижоатли ёшлар сафида бўлсам, юртимиз истиқболи учун бор куч-саложиятимни ишга солардим, деб орзу қилардим. Қарангки, бу гузал юрtdа интиланган, изланган, тараққиётга ўз ҳиссасини қўйишни ният қилганлар учун йўл очик экан. Мана ўзимдан қиёс, ҳозирги кунда мазкур гигант корхонанинг ёш мутахассисларидан бириман.

Айтмоқчи, бугун орзуларим бирин-кетин рўёбга чиқмоқда. Шу корхона аъзоси бўлсам, катта ишларга қўл ураман дегандим. Мана, ҳозирги кунда мажмуанинг бухгалтерия ҳисобот таҳлилчи гуруҳининг солиқлар бўйича ҳисобчиси, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида жорий этиш гуруҳининг етакчи мутахассисларидан бириман. Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида "Finspect Advisory" ташкилоти мутахассислари томонидан халқаро сертификат олиш учун ўқув курсида таҳсил олдим. Қувончарлики, хорижлик мутахассислар синовидан ўтиб, халқаро сертификат соҳиби бўлдим.

Ўзимизнинг олдинги миллий стандартлар бўйича қилинган ҳисобот чет эллик инвесторлар учун уналик тушунарли эмасди. Ҳозирги халқаро стандарт бўйича биз тайёрлаётган ҳисоботлар эса чет элдан фарқ қилмайди. Яъни бу халқаро ҳисобот орқали хорижлик инвесторлар корхонамизнинг молиявий аҳоли қандайлиги борасида ҳулоса чиқаришда ва инвестициялар киритишда. Молиявий ҳисоботларимиз бўйича халқаро стандартлар жорий этилганидан сўнг "Ўзбекнефтегаз" АЖ Европа фонди билан мустақам алоқа ўрнатди, эндиликда ажратилаётган инвестициялар оқими ҳам тезлашди.

Ана шундай улгувор ишларда меннинг ҳам ҳиссам борлигидан ҳудда қувонаман. Ҳозирги кунда жамоамизда 3 800 дан зиёд ишчи-ҳодимлар меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 30 фоиздан зиёдини ёш мутахассислар ташкил этади. Демак, ёшлар янги Ўзбекистонни барпо қилиш, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда ўз куч ва имкониятларига ишонилишди. Ана шу ишонч юрт истиқболини яратишга, мамлакатни дунё миқёсига чиқаришга ундаб



туради. Зеро, биз — янги Ўзбекистоннинг дунёдаги овозимиз.

Тиббиётдаги ислохотлар инсон қадрини ўнун

Тоҳиржон ПОЛВОНОВ, Республика иختисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали раҳбари:

— Онкологик касалликлар бутун дунёда даволанган учун катта маблағ ва юксак тиббий имкониятлар талаб қилаётган хасталиклар қаторига киради. Тан олиш керак, узок йиллар давомида онкология ва гематология соҳаси ўз ҳолига ташлаб қўйилган, натижада илғор тажрибалар амалиётга жорий этилмас, беморларнинг соғайиш кўрсаткичи пасайиб кетган эди.

Президентимизнинг 2021 йил 27 майдаги "Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори онкологик касалликларнинг олдини олиш, уларни самарали даволашда мулқо янги тизим ва имкониятларни яратиб берди.

Давлатимиз раҳбарининг Республика иختисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказган видеоселектор йиғилишидан сўнг филиалимизга онкология хизматини яхшилаш учун маҳаллий бюджетдан 15 млрд сўм маблағ ажратилиб, даволан ва диагностика бионали янгидан барпо этилди, энг замонавий тиббий жиҳозлар ва дори-дармон воситалари харид қилинди.



Филиалимиз шифокорларидан 20 нафари Санкт-Петербург онкология марказида, 6 нафари Туркияда, 1 нафари Иркутск давлат медицина университетида малака ошириб қайтди. Амалга оширилган ушбу чора-тадбирлар натижада вилоятдан даволаниш учун пойтахтга борадиган онкологик беморлар сони икки баробар камайди.

Муассасамизда терабальт нур ускунасининг ишга туширилиши натижасида 800 нафар бемор нур терапийаси қўрсаларини қабул қилди. Олдин ушбу беморлар чет эл клиникаларига кетишга мажбур бўлишарди. Соҳадаги илғор технологияларни филиалимизда татбиқ қилиш мақсадига Россия Федерациясининг Н.Н.Петров номидаги онкология маркази, "Ситидок" клиникаси, Санкт-Петербург педиатрия тиббиёт университети ва Хиндистоннинг "BLK" клиникалари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик.

Бугунги кунда филиалимизда қиймати 2 млн. 868 минг АҚШ долларига тенг бўлган скрининг текширувларини ўтказиш учун диагностика ва ўқув маркази ҳамда янги тиббиётни ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш лойиҳалари устида иш олиб бораёмиз.

Муаллим эъзоз ва эҳтиромга муносиб зотга айланди

Муҳаммадсоли АДАШЕВ, Учўрғон туманидаги 8-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:

— Янги Ўзбекистонни барпо этиш, юксак иқтисодий тараққиётга эришиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш каби пировард мақсадларга таълим соҳасини тубдан ўзгартиришдан ва замонавий асосда қайта қурмасдан туриб эришиб бўлмайди. Жамиятни инсон ўзгартиради, таълим эса инсонни ўзгартиради. Таълимнинг марказида эса, ким нима деса десин, барибир ўқитувчи туради. Шундай экан, унинг ўрнини, ҳурматини жойига қўйиш мамлакатимизда устувор вазифага айланди.

Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллилатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир. Шу боис Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда. Бугунги модернизация жараёнлари, ислохот ва ўзгаришлар натижадорлиги мактаб таълимига, янги авлод кадрларини етиштириш масаласига бориб тақалаётгани бор гап. Шу сабаб Президентимиз таълим соҳасига қуюнчаллик билан эътибор қаратяпти. Мамлакат келажаги, барча соҳа ва лойиҳалар муваффақияти билимли инсонларга боғлиқ. Шу боис охириги олти

Қалбларга кўчаётган ободлик

Жумамурат ҚОСЖАНОВ, Нукус шаҳридаги Бўз овул маҳалла фаоли:

— Бугун Нукус шаҳридаги барча маҳаллалар қурилиш майдонига айланди. Марказдаги йўллардан тортиб, энг чекка кўчаларгача ободонлаштирилаётгани, бу ишларга юзлаб мутахассислар ва мақсус техникалар жалб этилгани бунёдкорлик кўламини кенгайтириб, суръатини янада оширмоқда.

Бундан 31 йил олдинги ҳаёт тарзимиз, ҳатто яқин 5-6 йил аввалги турмушимиз билан бугунни асло солиштириб бўлмайди. Қишда лойдан, ёзда чангдан юришга қийналадиган кўчалар санокли кунларда асфальт ётқизилиб, равои йўللарга айлантирилмоқда. Ҳатто йўл бўйларига пиёдалар юриши учун алоҳида йўлқлар барпо қилинмоқда.

Маҳалламиз шаҳар марказидан бир оз чеккароқда жойлашган. Поликлиника, болалар богчаси йўқ эди. Невараларимни эмлашгами ёки иссиқ жон — иситма чиқибми, поликлиникага бориш учун шаҳар марказига қатнашимизга тўғри келарди. Айтганимдек, йўллар абгор аҳволдалиги сабаб таксичилар ҳам маҳалламизга киришини ҳур кўравермас эди. Ўзим қатори нурунийлар билан кўча оралиб маъракалардан қайтишда бўш турган кенгрок майдонларга кўзимиз тушса, бу богча ёки поликлиника қурилишига мўлжалланган майдон бўлса керак, лекин улар ҳали қачон қурилади, биз кўраимизми-йўқми, деб ўтар эдик. Йўқ, минг шукри, маҳалламизда икки қаватли замонавий болалар богчаси қисқа вақтда қурилиб, охириги пардозлаш ишлари олиб борилмақда. Поликлиника қурилиши ҳам жадал кетяпти.

Ҳа, биров айтса ишонмайдиган янгилашлар, янги қурилишларнинг барчаси кўз ўнгимизда бўлаётти. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини ОАВ орқали ҳар кун кузатиб, ҳурсанд бўламиз. Ободлик қалбларга ҳам кўнмоқда. Халқимиз Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга, маҳаллаларни обод қилишга қаратаётган бу эътиборидан мамнун ва миннатдор бўлмоқда.

Ҳар уйда — кутубхона, ҳар кўнгида — маърифат

Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Халқимизнинг маънавий-маърифий юксалиши учун алоҳида эътибор қаратилаётгани барчамизни гоят мамнун этаятгани айни ҳақиқат. Зеро, миллий ўзлигини англаган, маънавий юксак, очик фикрли, кенг тафаккури инсонгина истиқлолнинг бекиёс аҳамиятини чуқур тушунади, унинг улгувор имкониятларидан самарали фойдаланиб яшайди.

Бу эзгу йўлда адабиёт, маданият, таълим-тарбия соҳаси изчил ривожлантирилмоқда. Ижод аҳли, зиёлилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётти. Президентимиз ташаббуси билан Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти ташкил этилиши миллий гою ва мафкура бўйича долзарб масалаларни ҳал қилиш, миллий манфаатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид ва за-



қилинган. Улар ижодкорлар ёшлар билан янада яқинлашмоқда, қобилиятларини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда.

Бугун халқимизнинг мутолаа маданиятини ошириш, айниқса, ёшларда китобга меҳр уйғотиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада ўтказилаётган янги-янги лойиҳалар, танловлар йигит-қизларнинг руҳини кўтармоқда. Қизиқиш ва иқтидорини кучайтиряпти.

Президентимиз таъкидлаганидек, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Ҳар уйда кутубхона бўлса, ҳар кўнгида маърифат гуллари яшайди. Халқимизнинг маънавий юксалиши эса иқтисодиётнинг ҳам бақувват бўлишига олиб келади.

Гулистоннинг бўстони

Олтиной ЭСОНОВА, меҳнат фахрийси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси:

— Ўртасидан дарё ўтган шаҳарлар кўркам бўлади, дейишади. Лекин барпо қилинганга анча вақт ўтган бўлса-да, Гулистонни кесиб ўтган "Дўстлик" канали атрофи бундан беш-олти йил бурун шаҳар ҳуснига ҳусн қўйиш ўрнига, қамшизор пашшалар маконига айланган ташландик жойлар сифатида киши кўзига ҳунқ кўринар эди. Бугун айни ушбу сув тармоғи атрофи таниб бўлмас даражада ўзгарди, таъбир жоиз бўлса, ажиб бир бўстонга айланди. Икки қирғоқда ҳам сўлим хиёбонлар пайдо бўлди. Канал соҳида Хўнранмандлар маркази, Ёшлар технопarki сингари ажибий меъморий ечимли бир неча иморатлар қурилди. Канал тароватига тароват қўшаётган фавворалар, бир вақтлар зим-зиёлик туйғайли юриб бўлмайдиган қирғоқбўйини бугун кун-

қисқа муддатда Гулистон шаҳрининг энг сўлим жойига айланганини ҳеч иккиланмай мўъжизага қиёслаш мумкин.

Тотувлик ришталари янада мустақам

Раҳматулла ЖАББОРОВ, Ўзбекистондаги қирғиз миллий маданий маркази раҳбари:

— Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бағрикенглик ва инсонпарварлик туйғуларини уйғотиш, миллатлараро ҳамжиқатликни мустақамлаш, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, барчага тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Кейинги 6 йилда бу ишлар янги босқичга кўтарилди. 30 июль — Халқаро дўстлик куни этиб белгиланди. Миллатлар ўртасида қарор топган соғлом муҳит тотувлик ришталарини янада мустақамламоқда. Мамлакатимизда умргузаронлик қилаётган турли миллат вакиллари ўзларига кўрсатилаётган бекиёс ғамўўрликларга жавобан давлат бошқаруви ишларида, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётда фаол қатнашмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 298 минг нафардан ортиқ қирғизлар ҳам бу ишга чин дилдан бел боғлашган. Бунинг биргина Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бугунги кунда марказ нафақат пойтахтда, балки Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ташкил қилинган бўлиб, бу марказларда мунтазам равишда дўстликни улгуловчи маданий тадбирлар, Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг таниқли фан ҳамда санъат арбоблари билан учрашувлар, китоблар тақдими ўтказиб борилади.

Бу заминда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари "Ўзбекистон — умумий уйимиз!" шiori остида бирлашиб, тўю тантаналар, турли байрамлари биргаликда нишонлашади, яхшии ёмон кунни бирга кутиб олишади, бир-бирига елка тутушади, бир-биридан мадад олишади.

Юртимизда миллатлараро ва давлатлараро тотувликни янада мустақамлашга қаратилган эзгу гою ҳамда ташаббуслар дўстлик ва ҳамжиқатлик кўргонининг янада мустақам бўлиши учун хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Ҳаёт нақадар завқли ва фароғатли

Тўлқиной ТОЖИЕВА, Бағдод тумани ҳокими ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи:

— Қишда лой, ёзда чанг кўчалар, паст-



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамланасидан.

Footer section containing contact information for 'Халқ сўзи' newspaper, including address, phone numbers, and subscription details.